

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

“МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ” ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли чоратadbирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, 2012 йил Ўзбекистон Республикасида “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 13 декабрдаги Ф-3760-сон фармойиши билан тузилган Республика комиссияси томонидан манфаатдор вазириликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ҳамда ноҳукумат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ишлаб чиқилган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

“Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор” деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда, куйидагилар “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурини амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш;

ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш; жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, Мустаҳкам оила йили мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оилаларга зарур кўмак ва ёрдам бериш;

оила, биринчи навбатда, эҳтиём-манд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш;

“Соғлом она — соғлом фарзанд” тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;

жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш;

жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш.

(Давоми 2-бетда).



Бахт остонасида...

Машраб НУРИНБОЕВ сурат-лавҳаси



«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

акциядорлик компанияси —
доний ҳамкоримиз!

Бекободнинг обод гўшаси



Фарзандингиз нима билан банд?



Йигитлар қўлида қизлар сумкаси



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

“МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ”
ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

2. Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) зиммасига “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг амалга оширилишини ташкиллаштириш ва мониторинг қилиш вазифалари юклатилсин.

Республика комиссияси:

икки ҳафта муддатда, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг ус-тувор йўналишлари ва тадбирларидан келиб чиққан ҳолда, республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлик-лари, жамоат ташкилотлари томонидан ҳар бир идора, вилоят, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича “Мустаҳкам оила йили”нинг ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурига киритилган тадбирларни тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажариш бўйича республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар даражасида ишлар аниқ-пухта мувофиқлаштирилишини ташкил этсин. Дастур амалга оширилиши ус-тидан тизимли назорат ўрнатсин;

Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги материалларни йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқсин;

ҳар чорак якунлари бўйича “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ахборот бериб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманларда (шаҳарларда) “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимлари бошчилигида ҳудудий комиссиялар тузилишини таъминласин, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар тегишли ҳудудларда оғишмай ва тўлиқ ҳажмларда амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарликни юкласин.

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2012 йил 27 февраль

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари:

аҳоли, айниқса, ёш оилалар ўр-тасида “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари-ни, давлат томонидан оилаларни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича унда белгиланган чора-тадбирларни мун-тазам ва кенг қўламда тушунтириб борилишини;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимия-ти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга оши-ришга қўшган аниқ ҳиссасини акс эт-тирган ҳолда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг амалга ошири-лиши тўғрисида кенг жамоатчилик доимо хабардор қилиб турилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилиши-ни назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

И. КАРИМОВ

Муносабат

ЮРТ РАВНАҚИГА ДАХЛДОРЛИК

Улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний ёшлар тарбиясида, аввало — оила, кейин — таълим масканлари, қолаверса — жамият ва давлат масъуллигини алоҳида таъкидлаган.

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ давлатимиз раҳбари «Менинг энг катта ишончим, мадад, таянчим бу — ўсиб келаётган ёшлардир», дея келажак авлодга алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатган эди. Бу сўзларнинг исботи ўлароқ ёшларимизга ўз истеъдод ва имкониятларини намоён этиши учун шарт-шароит яратиб берилди. Биргина йилларга ном беришда ҳам мана шу юксак эътибор ифодасини кўришимиз мумкин. «Соғлом авлод йили» (2000), «Ёшлар йили» (2008), «Баркамол авлод йили» (2010) Давлат дастурларида муҳим чора-тадбирлар белгиланган ва улар ўз вақтида амалга оширилган эди. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши бу борадаги ишларни яна бир поғона юқори кўтарди. Давлат дастурида жисмонан соғлом, маънан етув ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлоднинг тарбиялаш, оиланинг ролини кучайтириш ва таълим-тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, ақин ва самарали ҳамкорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Фарзандлар камоли йўлидаги давлат омилига боғлиқ жиҳатлар ҳақида ижобий фикрлар билдириш мумкин. Бошқа омилар тўғрисида гап кетганда эса, улар орасидаги ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш лозимлиги жорий йил 27 февралда Президентимиз томонидан имзоланган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топган. Зеро, ёшлар таълим-тарбиясида дахлдорлик — Ватан равнақида дахлдорликдир. Табиийки, бирор бир ташкилот ва фуқаро бундай хайрли ишлардан асло четда қолишни истамайди. Таълим-тарбия масалалари ниҳоятда мураккаблашган бир пайтда ФХДЁ идоралари асо-

сий вазифаларидан ортиб, бу юмушга ҳисса қўшиш учун бел боғлаганини алоҳида таъкидлашни истардик.

Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани ФХДЁ бўлимида олиб борилаётган ташвиқот-тарғибот ишлари ҳам айнан келажак авлоднинг маънавий тарбиясига қаратилгани билан эътиборга моликдир. Хусусан, ҳар ойда бир марта Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежида, туман ҳудудидаги 3 та коллеж ва 2 та лицейда «Ёш оила қурувчилар мактаби» машғулоти ўтказилляпти. «Оиладан бошланур Ватан!» шиори остида ташкил этилаётган тадбирларда туман хотин-қизлар кўмитаси, тиббиёт бирлашмаси, маънавият тарғибот маркази, ички ишлар бўлими ходимлари иштирок этиб, ёшлар учун энг керакли ҳаётий ва ҳуқуқий билимларни бериб боришмоқда. Ёш авлоднинг ўзбекона урф-одатларимизга зид, турли зарарли, бузғунчи ғоялар хавфидан оғоҳ этиб, умуминсоний ва миллий қадриятларнинг афзалликларини тушунтириляпти. Оила мустаҳкамлигини сақлашда қонунчиликда кўзда тутилган тартиблар минг йиллик одоб-ахлоқ қоидалари билан ҳаммагонлиги алоҳида таъкид-

ланиб, жонли мисоллар асосида изоҳланаётир. Айниқса, кўпни кўрган отахону онахонларнинг узоқ йиллик ҳаётий тажрибаси коллеж-лицей ўқувчиларида ўзгача таассурот қолдирмоқда.

Аждодларимиздан мерос, пойдевори мустаҳкам Ватанни турли яхши-ёмон кўзлардан асрашдек шарафли ва залворли вазифа эртага ёшларимиз зиммасига тушиши шубҳасиз. Бинобарин, юртинг кўрғонлари мустаҳкам, фарзандлари баркамол ва соғлом бўлиши учун ота-оналаримиз хушёрроқ, улар қаторида маҳалла-кўй оғоҳ, жамият эса масъул бўлмоғи лозим.

Зулайхо КАМОЛХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳар
Ҳамза тумани ФХДЁ бўлими мудири.

Солиқ фаолияти

МАҚСАД — ЭЗГУЛИККА
ХИЗМАТ ҚИЛИШ

Тараққиёт асрида барча соҳаларда бўлганидек, саноатда ҳам рақобат муҳити тобора кучайиб бормоқда. Бу айниқса, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ҳам материалларни маҳаллийлаштириш билан боғлиқ жараёнларга чамбарчас боғлиқлиги боис дунёнинг ривожланган ва тараққий этиб бораётган давлатлари иқтисодиётида муҳим ўрин тутмоқда. Шунинг учун ҳам 2011 йилнинг 29 июлида мамлакатимиз Президентининг “2011–2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш дастурини янада чуқурлаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди.

Мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятидан ҳам кўриниб турибдики, иқтисодиётни барқарорлаштириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш учун биринчи навбатда ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш ниҳоятда муҳимдир. Шунинг учун ҳам республикаимизда экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариши янада кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Эътиборли томони, маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўловидан қатор имтиёзлар қўлланилмоқда. Бу борада туманимиз ҳудудида расмий рўйхатдан ўтиб фаолият юритиб келаётган 7 та ташкилот маҳаллийлаштириш дастурига киритилган. Уларга жами 17933689,61 минг сўмлик имтиёз суммаси берилган. Масалан, “Тошкент қувурлар заводи” ўтган йилнинг тўртинчи чораги якуни бўйича 26,7 млн. тонна маҳсулот ишлаб чиқариб, маҳаллийлаштириш даражаси 97,8 фоизни ташкил этган, имтиёз суммаси эса 4807610,4 минг сўмни ҳосил қилган.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарорда кўзда тутилган мақсадлар халқимизнинг ҳаёт тарзи, турмуш даражасини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Амриддин МАҚСАДОВ,
Шайхонтоҳур туман ДСИ
бўлим бошлиғи муовини.

Фестиваль

“ЧИМЁН —
ЭКСТРИМ — 2012”

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш ҳамда “Сен ёлғиз эмассан” жамғармалари, республика Касаба уюшмалари Федерациясининг Жисмоний тарбия марказий кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимияти ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш ҳамда тамақ чекишга қарши, ёшларни экстремал спорт турларига қизиқтириш ва соғлом турмуш тарзини тарғибот этиш мақсадида “Чимён — Экстрим — 2012” IX ёшлар фестивали ўтказилди.

Тадбирда 6–22 ёш оралиғидаги экстремал спорт турларига эндигина кириб келган болалар ва профессионал спортчилар қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш этишди.

— Аввало, фестиваль ташкилотчиларига ташаккур. Чунки болаларимизнинг экстремал спорт турлари чанги, сноуборд, роликки коньки, скейтбордга қизиқиши катта, — дейди Чилонзор туманида жойлашган 23-Меҳрибонлик уйи раҳбари Светлана Рўзмухамедова. — Қувонарлиси, тадбир доирасида ёшларга интерфаол усуллар орқали салбий иллатларнинг нохуш оқибатлари ҳақида маълумот ва тушунчалар берилдики, бу соғлом турмуш тарзини тарғибот этишда ўзига хос сабоқ бўлди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА

Беқобод шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалласи кундан-кунга чирой очиб, тубдан ўзгариб бораётди. Қайта таъмирланиб, янгича кўриниш олган гузар ҳар қандай киши қалбда ҳавас уйлотади.

— Халқимизнинг янгилик яратишга иштиёқи баланд, — дейди маҳалла раиси Раҳматулла Олимов. — Элдошларим мени шундай масъулиятли ва шарафли вазифага сайлашганида, очиги, жуда қувондим. Нега десангиз, йигирми йил маҳалла ноқир бўлиб ишлаганман-да, шу ҳудуднинг яхши-ёмонини, баланд-пастини би-

дан чиқишади. Бу борада аёллар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Иzzатой Тешабоева бошчилигида «Моҳир кўллар» тўғраги ташкил этилган.

Яна бир гап, жонқуяр маҳалла маслаҳатчиси-нинг сай-ҳаракатлари самараси ўлароқ оилавий ажримлар кузатилмапти. Албатта, бунда нурунийлар кўрсатган йўл-йўриқлар ҳам жуда асқотмоқда. Шундайлардан бири 91 яшар Добе-рин ота ва 80 яшар рафикаси Анфиса она тўрт

БЕКОБОДНИНГ ОБОД ГЎШАСИ



ламан. Ҳамма билан ака-ука, ота-боладек бўлиб кетганмиз.

Раҳматулла ака катта ниётларни кўнглига тугиб юрганида «Орзу-Сайёра» МЧЖ раҳбари Курбон Шарипов билан учрашиб қолди. Тадбиркор ҳам оқсоқолини қўлаб-қувватлади, қандай ёрдам керак бўлса тайёригини билдирди. Тезда маҳаллада иш бошланиб кетди. Ҳар бир оиладан вакил чиқиб ёрдамлашди. Кўпнинг оши ҳам, иши ҳам ширин бўларкан. Кўз очиб юмгунча, маҳалла кўмитасининг идораси, милиция таянч пункти, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, миллий ва Европа таомлари ошхонасини ўз ичига олган замонавий гузар фаолият юрота бошлади. Кичик тикув цехида 20 нафар хотин-қиз, маиший хизмат соҳасида эса 30 дан ортиқ ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди.

Маҳалла-ку обод бўлибди, аҳоли билан ишлаш даражаси нечоғли ўсган, дейишингиз табиий. 4100 нафар турли миллатта мансуб маҳалладошлар 1056 та хонадон ва 38 та кўп қаватли уйда истиқомат қилишади. Коммунал тўловлар ўз вақтида тўлангани боис иссиқ ва совуқ сув, электр токи, газдан даярли муаммо йўқ. Аҳолининг 95 фоизи иш билан банд.

— Хунарманд Холмухаммад Валиев ўн уч йилдан бери сандиқсозлик билан шугулланади, — дейди суҳбатдошимиз. — Маҳалламизнинг 12 нафар йигити шу хунар билан банд. Устанинг ўғли Саидқабар миллий хунармандчилик дизайнери сифатида шоғирдлар тайёрламоқда. Маҳаллада тўй бошланса, яхши ниёт билан сандиқсознинг эшиги чертилади. Эски мебелларни ҳам янгидек қилиб ясаб беришнинг улдаси-

ўғил, саккиз навара, тўрт чевара ардоғида яшаёттир. Бу хонадондаги тотувликка ҳамма ҳавас қилади. Добе-рин отанинг бир ўғити бор: «Ойланг тинч бўлишни истасанг, келинга ўз қизингдек қара. У наслингни давом эттирувчи бамисоли кўприқдир. Нотинчлик ҳам келинлар кўлида, чунки улар тарбиянинг бош бўғини ҳисобланади».

Ўтган йили Ўзбекистон металлургия комбинати ОАЖ томонидан 600 метрлик «Металлургия» хиббони бунёд этилиши аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун катта қулайликлар яратди. Икки-уч йил ораллигида янгиликларга юз тўтган обод гўшада фарзандлар камоли учун ҳам ажойиб муҳит яратилганки, бу эртага ўз самарасини бериши табиий.

Нигора ҲУРОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири,
Тошкент вилояти.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА:

Муҳбиримизнинг хабар қилишича, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Олий ва ўрта махсус ҳамда халқ таълими вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ташаббуси билан республика миқёсида маънавий-маърифий тарбия, аҳоли ўртасида тинч-тотувликни таъминлашда фаоллик кўрсатаётган намунали милиция таянч пунктлари орасида ўтказган кўрик-танловда «Ўзбекистон» маҳалласидаги 34-сонли МТП фахрли иккинчи ўринга лойиқ деб топилди.

(Реклама ўрнида)

Маҳалладан бошланар Ватан

қўллайман, дейсиз. Паҳлавон ўғлимни топшириб қўйибман-ку, дея ич-ичингиздан миннат қиласиз. Аммо келин ҳам бировнинг кипригида авайлаб ўстиридан гулдек фарзанди. Хонадонингизни саришта тутиб, сизни ва ўғлингизни ҳурмат қилиб, қўшниларга мақтаб юрган ҳам шу фариштасифат келинчақ эмасми? Салгина кенгеъёл бўлинг. Унга ҳам ўз қизингиз каби муомалада бўлинг, келиним эмас, қизим деб айтинг. Ана шундоортиқча гина-кудуратта ўрин қолмайди».



— Вазифам тақозоси тўғрисида баъзан қайнона-келиндар ўртасида чиққан можароларга аралашшимга тўғри келади, — дейди Жамила опа. —

Маҳаллада ўндан ортиқ

КЕЛИН ЭМАС, ҚИЗИМ ДЕНГ

Қаранг, яқиндагина кўзи ёриган келинчақ бир соатда келаман, деб онасиникига кетгану, кечқурун қайтиб келган. Қайнона жигибийрон бўлиб ўтирибди. «Тинчликми, келинжон, бунча кеч қолдингиз? Хавотир олдим, ахир?» деса, ҳалиги келин хе йўқ-бе йўқ, кўлида чақалоғи билан аразлаб онасиникига кетиб қойибди. Хуллас, иккаласини муросага келтиргунимча бўладиганим бўлди. Лекин хайрият, улар бир-бирини тушунишди. Шу кунни кўнглим бироз тинчиб, уйга қайтдим...

Бу Жамила опанинг бир кунлик иш-фаолиятдан қискагина лавҳа холос. Бундай воқеалар, гина-кудуратга тўла низолар учраса, қаҳрамонимиз ўз тажрибасини ишга солади. Фақат икки тарафни эмас, учинчи ва ҳатто беш бегоналарни ҳам эшитиб кўради. Масалани чуқур ўрганган ҳам худоса қилишга шошилмайди.

Кўпинча қайноналарга эринмай панд-насихат қилади: «Сиз ҳам бир пайтлар келин бўлгансиз. Қайнонангиздан кўрганингизни энди шу қизга

миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, бир оила фарзандларидек яшаб келишмоқда. Фаоллар, худуд қайноналари Жамила опанинг энг яқин кўмакчилари саналади. Ҳар қандай масалада улар билан бамааслаҳат иш юритилади. Қолаверса, Жамила опанинг хонадони маҳаллада катта обрў-эътиборга эга. Турмуш ўртоғи Муҳаммад ака муҳандис, ўғли Суннатилло ҳисобчи, келини Дилнозаҳон архитектор. Уч нафар қизлар она изидан боришди — ўқитувчилик қилишяпти.

Энг асосийси, бу оилада ҳамisha тинч-тотувлик ҳукмронлик қилиб келган. Келинлар билан ҳам ҳеч қачон сенменга бормаган. Шунинг учун ҳам Жамила опа арзимаган сабаблар тўғрисида жоғора чиққан оилаларни яраштиришга ўша хонадон оstonасидан дадил қиради. «Авал ўзингга боқ» деган иддаоларини эшитишдан чўчимайди.

Ҳошим ОРЗИКУЛОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири,
Самарқанд вилояти.

Ўзбекистон — умумий уйимиз

ТАЛЛИМАРЖОНДАГИ «ДЎСТЛИК»

Амударёдан кўтарма насослар орқали обихаёт келиб тўпланадиган «Қашқадарё денгизи» — Таллимаржон сув омбори воҳа ободлиги ва фаровонлиги учун бекиёс аҳамиятга эга. Сув омборининг шундоққина адоғида Туркменистон республикаси билан чегарадош ҳудудда Таллимаржон шаҳри барпо этилган. Шаҳар аҳолисининг асосий қисми сувсозлик билан машғул. Худуддаги 4 та маҳалла фуқаролар йиғинида 12 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу обод гўшанинг ўзига хос ибратли томони шундаки, йигирмадан зиёд миллат вакиллари бир жон, бир тан бўлиб, аҳил ва тотув яшайди.

Шаҳар ҳокими Шухрат Нормирзиёевнинг айтишича, «Мустақам оила йили»нинг бошида, аниқроғи, январь ойида «Обод» ва «Тинчлик» маҳаллалари тоза ичимлик суви билан таъминланди.

— Бизнинг маҳалла фуқа-

ролар йиғинида жами 654 оила, уч мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди йиғин раиси Бахтиёр Одинаев. — Маҳалламизнинг «Дўстлик» деб номланишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Негаки, бу ерда туркман, рус, татар, тожик, қозоқ, қирғиз, озарбойжон, чуваш, лезгин, мордавин, хуллас, 14 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек яшаб келишмоқда. Бешта кўчамизнинг Алишер Навоий, Махтумқули, Садриддин Айний, Меҳмон Курбонов деб номланиши ҳам ўзига хос фахр ва ифтихор уйғотади.

Мустақам оилалар мамлакатимиз таянчи саналади. Маҳалла ободлиги эса ҳар бир хонадондан бошланади. Жонқуяр маслаҳатчилардан бири Муҳтарам Зайниддинованинг айтишича, Урол Собиров, Нуриддин Раҳимқуловлар ўз фарзандларини шарқона аъаналар асосида тўғри тарби-

ялаб, ибратли оила сифатида эътироф этилади. Эътиборли жиҳати, маҳаллада маданий-маърифий тадбирлар, қолаверса, муҳтож ва кам таъминланган оилаларга меҳр-муруват кўрсатиш, хотин-қизлар ҳамда ёшларни касбга йўналтириш, спортга жалб этиш каби хайрли ишлар изчил амалга оширилмоқда. Жорий йилда коллежни битираётган 15 нафар йигит-қизларни иш билан таъминлаш чоралари кўриляпти. 30 нафар ёшлар эса касаначилик сир-асрорларини ўрганишяпти.

Маҳаллада хотин-қизлар ўртасида бола тарбияси, ҳар турли маросимлар, диний ақидапарастликка қарши, эрта турмуш қуришнинг оқибатлари билан боғлиқ мавзуларда давра суҳбатлари, очик мулоқотлар мунтазам ташкил этиляпти.

Ғоzi РАҲМОН,
журналист,
Қашқадарё вилояти.

ПАСПОРТ АЛМАШТИРИЛЯПТИ

Президентимизнинг 2009 йил 23 июнда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида бўлинмамиз томонидан босқичма-босқич ишлар олиб борилмоқда. Айтиқса, фуқароларга ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида маъмурий бинода махсус хоналар тўла таъмирдан чиқарилиб, керакли замонавий ускуналар билан таъминланди. Туман миқёсида янги паспорт топширилади-ган аҳоли сонини сал кам етмиш минг нафарни ташкил этишини инобатга олган ҳолда барча тайёргарлик тадбирлари ниҳосига етди. Жорий йилнинг ўзида жами 3560 нафар воёга етган йигит-қизга янги, юқори ҳимоя даражасига эга биометрик паспортлар тантанали суратда топширилади. Мавзуга оид учрашув ва давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

«Мустақам оила йили» муносабати билан туман ҳокимлиги, ФХДЁ бўлими билан ҳамкорликда мустақил ҳаёт йўлига қадам қўяётган ёш-келин-куёвларга расмий никоҳдан ўтган, фамилияси ўзгарган бўлса, фуқаролик паспортини ўн кун муддат ичида алмаштириб бериш йўлга қўйилди.

Азизхон РАЗЗОҚБЕРДИЕВ,
Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани
ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи.

Кизини гавхардек авайлайдиган, ҳар бир қадамни кузатадиган, интилишлари билан кўзиқадиган, чанг кўнса пуфлаб, шамол эсса кўкси билан тўсадиган оталар кўп орамизда. Одатда киз болага она яқин, дейишади. Оталар фарзандининг ичидагиларни оналар орқали билишади. У қачон йўлга кириб, қачон тили чикқанини билмай қолишади ҳам.

ЧЕМПИОН ҚИЗНИНГ ОТАСИ

...Каримберди Ховос туманидаги 9-умумтаълим мактабидан рус тилидан дарс беради. Баъзан сабоқлар тўғрисида, ўқитувчилар ўзаро шахмат суришарди. Каримберди нуқул ютқазгани ютқазган. Йиқилган курашга тўймас дейишади-ку! Ҳеч қурса бир марта голиблик нашидасини суриш иштиёқи унга тинчлик бермасди. Нима бўлса-да, шахмат сирларини билиши керак. Ҳадеб ютқазавериш жонга тегди, ахир.

Сарвиноз олти ёшга етганида турли мусобақаларда иштирок эта бошлади. Боғча ёшидаги қизчанин туман, вилоят миқёсидаги беллашувларда ўзига ишонган шахматчиларни мот қилиши кўпчиликини ҳайрон қолдирар, бир чеккада фарзандининг ҳеч кимдан чўчмай ўйнаётганини жимгина кузатиб ўтирган Каримбердини таниб қолганлар ҳаваси келиб, чин дилдан раҳмат айтиб кетса, айримларнинг ҳасади келарди.

етти ўйинда 7 очко олиб, Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Отанин қанчалик қувонганини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Дунёга сиғмади шу кунни. Ана шу лаҳзаларда бир пайтлар мактабдаги ўйинларда уни ютиб юрадиган ҳамкасбларини бир-бир кўз ўнгидан ўтказди. "Мана дўстларим, биз чемпион бўлдик", деб қўярди ўз-ўзига.



Шахматга оид газета-журналларга обуна бўлди, китоблар сотиб ола бошлади. Уйда шахмат тахтасини очиб олиб, ўзи билан ўзи донна сургани сурган эди. Эндигина атак-чекча бўлган қизи Сарвиноз атрофида ўралашар, доналарни суриб ташлар, Каримберди эса эринмай жой-жойига қўйиб чиқарди. Қизалоқ қўлига қоғоз-қалам олиб, нималариндир чиқиши яхши кўрарди. Отаси ҳам бу митти эркатойининг талабларини эринмай бажарар, неча-неча шахмат доскаларини синдирган бўлса-да, ҳам қоймасдан ўрнига янгисини оларди.

Буни қарангки, қизалоқнинг отаси атрофида ўралашиб юриши ҳам бежиз эмас экан. Доналарни отиб юрган Сарвиноз беш ёшдан шахмат ўйнай бошлади. Ота ўзига "рақиб" топилганидан хурсанд. Боз устига, қизи ҳам ниҳоятда зеҳли чикиб қолди. Юришларида ғалати усулларни қўллаши одамни ҳайратга соларди. Қизалоқнинг факулдада истеъдодини пайқаган ота у билан жиддий шуғулланишга киришди. Уша пайтлари шахматга оид адабиётлар фақат рус тилида бўларди. Каримберди рус тили ўқитувчиси эмасми, эринмай ўзбек тилига ўғириб чиқди. Айниқса, "Шахмат салтанатига саёҳат" китоби жуда қўл келди. Шундай қилиб, ота-бола бемалол донна сурадиган бўлишди.

2003 йилнинг август ойи эди ўшанда. Кечки пайт шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиши ҳақида хабар беришди. Эртасигаёқ Тошкентга етиб боришлари керак. Аммо Сарвиноз уйда эмас, Ипак онасини кига кетганди. Каримберди анча диққат бўлди. Қанча тайёргарлик кўришган эди-я? Қизалоқ-ку бепарво, у ҳали чемпионатнинг маънисини ҳам тушунмайди. Аммо қатнашиши керак-да. Ички бир туйғу қизининг мана шу беллашувда муваффақиятга эришагини таъкидларди. Таваккал деб йўлга тушди. Кечаси тўрт километрни пиёда босиб ўтиб, қизалоқини етаклаганича ортига қайтди. Сарвинознинг уйқуси келар, ота уни гоҳ опичлаб олар, гоҳ ерга қўярди. Эртаси кунни саҳарда ҳамқишлоғи Жамшид Шодикулов (у ўшанда 12 ёшда эди, ҳозир энг яхши шахматчилардан бири) билан Сарвинозни олиб, пойтахтга жўнади. Илк чемпионат отанин ёдидан асло чиқмайди. Икки болани етаклаб, Тошкент кўчаларида меҳмонхона излаганлари, қўноққа жой тополмай сарсон бўлганлари... Тун оққанда чекка бир меҳмонхонадан жой топишди, аммо болаларда ҳужжат йўқ-ку, уларга рухсат бўлмади. Кўзни шамғалат қилиб, бир амаллаб уларни хонасига олиб кириб олгунча чеккан машаққатлари...

Эртасига қутилмаган дилхираликларнинг ҳаммаси юврилиб кетди. 8 ёшли Сарвиноз

дарё вилоят шахмат федерацияси терма жамоасидаги Маматкул Хайлаевга шоғирдикка берди. Шундан сўнг Сарвиноз Ўзбекистон шахмати оламида юлдуз бўлиб порлади.

Шахмат бўйича 12 карра Ўзбекистон чемпиони Сарвиноз Курбонбоева Боёвутдаги оддий кишлоқ муаллими Каримберди Жумуқовнинг қизи бўлади.

Йигит киши унча-мунчага кўз ёшини кўрсатавермайди. Каримберди қизи ҳақида гапираркан, унинг дардга чалиниб қолганини, боласини қўлида кўтариб юриб, бирга тортган азобларини эслаганида кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Боз устига, касбига масъулиятсиз шифокорнинг қўйган нотўғри ташхиси тўғрисида муолажалар наф бериш ўрнига аҳвол оғирлаша бошлаганида Каримбердида жон қолмади. Узун тунарлари боласининг бошида, унга термилиб ўтқазар, улуг бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари каби жонидан азиз дилбанди учун ўз ҳаётини ҳам бермоққа тайёр эди.

Хотини Дилбарга ичидагиларни билдиргиси келмас, уни аярди. "Сен уйдагиларга қара, Сарвиноз тузук", дерди хар сафар. Ўзининг эса ич-этини ит тирнарди. "Дилбарга ҳам қийин бўлди. Уйда тўрт бола, рўзгор умушлари, мол-ҳол, томорқа дегандай..." Аёлини Сарвинознинг ёнида қолдирай деса,

Ўзбекистон ифтхорлари



кўнгли тинчимайди. Ўзининг феъли ўзига маълум, бу ердан бир қадам ҳам жиллолмайди.

Касалнинг тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади, деганлари рост экан. Худо шундай ҳақимни уларга дуч қилди. Сарвинозни қайта текширувдан ўтказганларидан касаллигига аниқ ташхис қўйилди ва муолажалар ўз самарасини кўрсатди. Қизалоқ оёққа турди, юзига ранг кирди, яна отаси билан шахмат ҳақида суҳбатлашадиган бўлди.

— Сарвинозни ҳамма болаларингиздан ҳам бошқача кўраркансиз-да, — сўрайман секин Каримбердидан.

— Йўқ, — дейди у кулимсираб. — Мен учун беш болам бўлмайди. Ҳар бирининг ўз ўрни бор, ҳар бири жонининг бир толаси. Фақат шунга амин бўлдимки, боладаги яширин иқтидорни, энг аввало, ота-она пайқаш, уни юзага чиқаришга қўмаклашиши керак экан. Сарвинознинг шахматга иштиёқини вақтида пайқаб, уни тарбиялаб, эътибор берганимиз учун ҳам шундай муваффақиятларга эришиб турибди-да. Кўз тегмасин, ҳамма болаларимиз ниҳоятда истеъдодли.

Илк саводи чиққан кезлари роботнинг расмини чизиб, "ош ейман", деган сўзларни ажиб-бужи қилиб ёзган хажжи қизалоқ бугун ўткир зеҳни тўғрисида дунё кезаётди. У 17 ёшда. Ҳозиргача Греция, Франция, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Вьетнам, Россия, Ҳиндистон, Туркия, Хитой, Малайзия, Бразилияда донна сурди. Сарвиноз Россияда бўлиб ўтган шахмат бўйича болалар турнирининг мутлақ голиби. 2010 йили Зулфия мукофотига сазовор бўлган шахматчи қиз 2011 йили Малайзияда ўтказилган халқаро турнирда ҳам голиблик шоҳқурасига кўтарилди.

Гурун орасида Сарвиноз жажон чемпионлари Вишванатан Ананд ва Рустам Қосимжонов билан ҳам донна сурганини фахр билан эслади.

Каримберди Жумуқов ҳозир ҳам қадрдон мактабидан рус тили ва адабиёти фанидан дарс бериб келади. Оддийгина, камтар ва камсукум муаллим ҳамон ҳамкасблари билан тез-тез шахмат ўйнаб туради. Фақат энди аввалгидай ютқазётгани йўқ. Негаки, у энди кимсан, чемпионнинг отаси. Бир пайтлар қизига ўзи устозлик қилган бўлса, бугун унинг акси. Энди енгилса ҳам, Сарвиноздан енгилмайди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Сирдарё вилояти.



ТАМАДДУН — тилимизда «цивилизация» маъносини англатадиган "тамаддун" сўзининг туб маъноси "маданият"га бориб тақалади.

Ватанимиз ҳудудидан инсоният тамаддунига бешик саналган тарихий манзиллар бор.

Газетадан

ЖАБҲА — тилимизда "ҳар жабҳада" деган бирикма кўп қўлланади ва асосан "соҳа" деган маънони касб этган. Ҳўш, "жабҳа"нинг туб илдизи қандай мазмунни билдирган? Бу сўз асли "манглай", "пешона" деган маънони англатган. Шунингдек, "фронт" деган маъноси ҳам бор.

Жабҳага кетганидан Қайта келмади отам.

Миртемир

ТЎҚСОН — қиш фаслининг 1 декабрдан 1 мартгача бўлган давридаги 90 кун "тўқсон" деб аталади. Бу сўз халқ оғзаки ижодиётида, эртақ ва достонларимизда кенг қўлланилган.

Тўқсон, бир кунимча йўқсан.

Аёз момо сўзларидан

Мевани тўқсонда сугорсанг, тўқсон ботмон ҳосил қилади.

Халқ ҳикматларидан

ТЕХНОЛОГИЯ — юнон тилидан кириб келган, туб илдизи "маҳорат", "санъат таълимоти" деган маънони билдиради. Ҳозирда эса материал ва хомашёга қайта ишлов беришда қўлланадиган усуллар мажмуи мазмунини ифодалайди.

Кундан-кун янги технологияларга эҳтиёж кучайиб бормоқда.

Газетадан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Ёшларнинг бўш вақтини қандай ўтказиши ҳақида кўп гапирилган. Бу борада ҳар ким ўз фикрига эга, албатта. Шу маънода "Фарзандингиз нима билан бандлигини биласизми? Ота-оналик бурчингиз, масъулиятингизни қай даражада уддалаясиз?" деган саволни яна бир бор такрорлашдан йироқмиз!

XXI аср, чиндан ҳам, фан-техника асрига айланган улгурди. Охириги ўн йилда тараққиёт барча йўналишларда чек-чегарасиз ютуқларга эришди. Натижада, одамзоднинг ҳам интеллектuali, ҳам жисмоний меҳнати осонлашди, оғири енгил бўлди, узоғи яқинлашди. Ривожланишга фақат салбий жиҳатдан қараб бўлмайди — аслида, бугун инсоният техник имкониятлардан фойдаланмасдан бир кун ҳам яшолмайди; шу билан бирга, масалага фақат ижобий томондан ҳам қараб бўлмайди — тараққиёт оммавий маданиятнинг кенг тарқалиши, кўплаб салбий иллатларнинг урчиб кетиши ва, пировардида, маънавий қашшоқлик юзага келишига ҳам хизмат қилмоқда.

Келинг, бироз сийқаси чиққан кўринса-да, интернет мавзусини олайлик. Қадимий нақлда айтилганидек, интернетдан ҳикмат излаган одам ҳикмат, иллат излаган одам иллат топади. Айни пайтда халқаро тизимдан фойдаланиш учун уйингизда компьютер бўлиши шарт эмас. Қўл телефон воситасида ҳам дунё ахборот тўрига бемалол кириш мумкин. Бу матоҳ эса мактаб ўқувчисидан тортиб нафақадаги отахону онахонларгача — ҳаммада бор. Дунёнинг нариги четдаги танишнингиз билан суҳбатлашиш учун уяли телефон орқали хорижий давлатга кўнгирак қилишдан кўра интернет, хусусан, "Oddnoklassniki.ru", "Vkontakte.ru", "Mail.ru Agent", "Moy mir" каби ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш анчагина арзонга тушади.

Шу ўринда бизни мақола ёзишга ундаган сабаб ҳақида тўхталиб ўтсак. Кунни кеча бир дўстим қўл телефонда интернет тизими орқали бошқалар билан мулоқот қилаётганига гувоҳ бўлдим. Бир қарашда бу ҳеч кимнинг эътиборини тортмаслиги мумкин. Аммо жиддий назар солсангиз, ўша йигит бир

пайтнинг ўзида уч қиз билан гаплашаётган бўлади. Аста-секин қизикдим. Қизларнинг бари ўзбек экан. Тўғри, исмлари бироз галати-ю ("Принцесса Ноди", "Бейби Шахноз"...), бироқ она тилимизда ёзишдан ўзбек қизи эканини билса бўлади. Улар дўстимга "жон", "севгилим" деб мурожаат қилишар эди. "Нима, учаласи билан ҳам "гаплашасанми?" деган саволимга "Ҳа, улар ҳам интернет орқали мендан ташқари камидан учтаси билан "гаплашадим

қизлар(йигитлар)га ишонмайман" ёки "Хали учратмадим" қабалида жавоб ёзар экан. Сўнгра ўзаро сурат алмашиш "маросим"и бўлади-ю, "онлайн муносабат"лар бошланиб кетади. Яна бир қизиқ ҳолат сурат алмашиши билан боғлиқ экан, чунки бунда оддий бекорчи йигит ёки университет талабаси катта бир ташкилотнинг муҳим ходимига айлиб қолади. Ҳатто қимматбаҳо машиналар олдида ("ўзиники" деган таассурот қолдириш учун) туши-

интернет орқали тарқалиб кетиши ҳам мумкин. Афсуски, бундай воқеалар учраб турибди. Энг ёмони, охири аячли тугайди. Мана бу фожеа эмасми?!

Сизда бир савол туғилиши табиий: "Хўш, нима қилишим керак, фарзандимнинг телефони олиб қўяйми?". Йўқ, албатта, сал аввал таъкидлаганимиздек, тараққиётга, уяли алоқаю бошқа техникаларга фақат салбий нигоҳ билан қарашдан бутунлай йироқмиз. Фақат ота-оналар, умуман, катта авлод интернет, қўл телефони имкониятларини ёшлардан кам билмаслиги керак, деб ўйлаймиз. Шу боис бугун ёшлар орасида оммалашган интернетдаги ижтимоий тармоқлар ҳақида бироз маълумот ва белгиларининг расми-ни чоп этаяпмиз. Зеро, ота-оналар фарзандининг қўл телефонидagi "меню" ёки "программи" папкалари ичида махсус белгиларни кўриб қолса, дарҳол ёмон хаёлга бормай, у ким билан, нима ҳақида гаплашаётганини назорат қилиб туриши фойдадан холи эмас.

"Mail.ru Agent" — ёшлар орасида оммалашган дастур бўлиб, ҳам компьютер, ҳам мобил телефонда фойдаланса бўлади. Россияда яратилган, интернет тизимида тармоқдаги икки томон учун онлайн мулоқот имкони беради. Уяли телефонлар ёрдамида фойдаланилганда унча кўп пул олинмаслиги боис харажатлар борасида ота-оналарга сезилмаслиги мумкин. Фарзандингизни назорат қилиш учун интернетни яхши тушунадиган яқин кишигизга мурожаат этишингиз ёки ўзингиз дастурга кириб, у кимлар билан дўстлашаётгани, суҳбатлашаётганини, энг охириги мулоқотлари нима ҳақида бўлганини билиб олишингиз мумкин. Бунинг учун фарзандингизнинг телефонидagi махсус белгини танлаш (юқорида кўрсатилган). Дастур юкланган ва онлайн тарзга ўтиш учун "Ха" ("Да") буйруғини босасиз. Экранда фарзандингизнинг тармоқдаги дўстлари рўйхати чиқади. Улардан исталган бирини танласангиз, энг охириги мулоқот пайдо бўлади.

ЗАМОНАГА ХОС ТАРБИЯ

ёхуд фарзандларингиз нима билан бандлигини биласизми?



ю", деган жавоб олдим. Буни синаб кўриш унча қийин бўлмади. Худди бошқа бир дўстимнинг интернетдаги саҳифаси орқали ўша қизлардан бирига хат ёзсак, бир дақиқа ўтмасдан жавоб олдик... Қизиги, бундай танишувларда йигит-қизларнинг оддий саволлар кетма-кетлиги бор экан. Бир қарангиз: "Салом", "Яхшимисиз?", "Ўқийсизми, ишлайсизми?", "Қаерда турсиз?". Энг асосий савол шундан кейин берилади — "Севган йигит(қиз)ингиз борми?". Дўстимнинг таъкидлашича, қизларнинг 60 фоизи, йигитларнинг эса 80 фоизи "Йўқ,

ган суратлар юборилиши ҳам тез-тез учраб туради. Бундан у қадар катта фожеа ясаш керакми-йўқми — билмадиг-у, бироқ кейинги ҳолат ҳаммани ўйлантирса, ажаб эмас. "Он-лайн муносабат", сурат алмашишлар бора-бора чуқурлашади ва аста-секин "ошқоралик"ка ўтиши кузатилади-ю, йигитлар қизларга қадди-қомади акс этган ёки шунга ўхшаш ярим очик расмлар юбориш учун ишора беради. Барча қизлар дейишдан йироқмиз, аммо юзтадан биттаси ёки иккитаси шу ўйинга кирганини билмай қолади. Кейин шарманда суратлар

Долзарб мавзу

"Opera" (Opera mini) — норвегиялик дастурчилар томонидан яратилган браузер. Интернетдаги исталган саҳифага, электрон почтага киришда, СМС жўнаришда, суратларни он-лайн саҳифаларга жойлаштиришда фойдаланилади. "Меню"ни танлаш ва "История" бандига кириш орқали фарзандингиз қандай сайтлардан фойдаланганини, унинг қанақа йўналишда экани ва интернетдаги манзили бўйича қисқача маълумотни кўришингиз мумкин. Компьютерда эса "Opera" браузерига кириб, клавиатурадаги "CTRL" ва "H" тугмаларини биргаликда босиш орқали фойдаланилган саҳифалар тарихини кўриш имкони мавжуд.

"Oddnoklassniki.ru" асосан Россия, МДХ давлатлари ва шарқий Европада кенг тарқалган интернет мулоқот тизими бўлиб, суратларни жойлаштириш, бошқа фойдаланувчилар билан танишиш имкони беради. Бундай ижтимоий тармоқларнинг уяли телефонлар учун махсус варианты ҳам яратилган.

Умид УБАЙДУЛЛАЕВ,
журналист.

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз шу-рун умуман бошқа шарт-шароитда яшаяпмиз. Энди фарзандларимизни тарбиялашда кўча-кўйда ёмон болаларга қўшилмаслигини назорат қилиш билан чекланиш ярамайди. Улар ҳатто биз билан ёнма-ён ўтирса-да, телефони орқали интернетга кириб, ким қандай одамлар билан мулоқот қилиши мумкин. Модомики фан-техника тараққиётдан воз кечиб, замондан орта қолиб бўлмас экан, биз ота-оналар янгидан-янги ютуқларни ёшлар билан ҳамқадар ўзлаштириб боришимиз шарт! Виртуал олам эса реал дунёдек чек-чегарасиз, биргина мақолада барча масалани қамраб олишингиз имкони йўқ. Шу боис "Оила ва жамият" газетаси мавзуга оид материалларни мунтазам чоп этиб боради.

• РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА •

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

куиндаги ўқув курсларига тахлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
 Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
 Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
 Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
 Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).
 Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой.
 Торт ва пишириқлар — 2 ой.
 Пишириқлар олий курси — 1 ой.
 Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
 Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
 Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
 Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
 Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
 Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
 Тўқувчилик — 2-3 ой.
 Инглиз тили — 3 ой.
 Рус тили — 3 ой.
 Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
 Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
 Компьютер сабоқлари — 2 ой.
 Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан
 Ётоқхона мавжуд.
 Ўқини тугатганларга **ДИПЛОМ** берилади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-маъзе 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори орқасида.
 Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
 Филиал манзили: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, 4-уй 40-хона. Мўлжал: Кўйлик кийим бозори рўпарасида.
 Тел: (8371) 295-97-82, +99897 785-90-30 (кундузи)

Савол-жавоб

БЕШ КУНГАЧА ҲАҚИҚИЙ

Яқинда "Нексия" сотиб олдим. Пулини тўлашдан аввал маъинининг бошқа шахс номига ўтказиш таъкидланганини ва хатланмаганини текширтган эдик. Айрим сабабларга кўра расмийлаштириш ишлари ҳафта-ун кунга чўзилди. Кейин нотариусга борсак, маълумотнома эскирганини айтди. Шундай бўлиши мумкинми?

Д. Менглиев.

Вазирлар Маъжасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сонли қарори билан тасдиқланган «Автотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ олди-сотди, айирбошлаш, ҳада қилиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга бериш, лизинг шартномалари нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқланади. Бунга кўра, фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва худудий кодга эга бўлган, давлат белгиси кўрсатилган воситалар гербли бланкаларда тасдиқланиши керак. Лоторея ва бошқа оммавий ўйинларнинг ютуқлари, қонунда белгиланган тартибда мерос қилиб олинган автомобилотранспорт воситалари бундан мустаснодир. Барча транспорт воситалари билан боғлиқ битимлар уни бошқа шахс номига ўтказиш таъкидлангани ва хатланмаганини аниқ бўлган, амалга оширилади. Таъқиқ ва ҳатловнинг йўқлиги ҳақидаги маълумот эса беш кун мuddат ўтгунча қадар кучга эга. Шу боис нотариус сизга ўринли эътироз билдирган.

Саволга Жиззах туман 2-сонли ДНИ нотариуси **Отабек ТЕМИРОВ** жавоб берди.

ҲИҚМАТЛИ ДУНЁ

Кўз нима нарсага боқмасин. Унга тўсиқ топилади, аммо кўнгилга тўсиқ топиламайди, одам буни билиши керак.

Агар одам севиши ёки севамаслигини билайин деса, кўнгилга қўл солиб кўриш керак, шунда албатта билиб олади.

Севикиларнинг юзларида севагининг белгилари бўлади, кўз кўзга тушганда уни билиб оلسа бўлади.

Севганининг юзини кўриш бу кўзининг ҳаловатидир, кўнгили орзу қилганига етиш эса тану жон ҳаловатидир.

Юсуф хос ҲОЖИБ

Отабой ўз жұрасидан бунн кутмаган. Майда-мижғос гаплардан кўра Назар уни қулочкашлаб тушпиргани, чаккасиға тасарки тортиб юборгани миғ мнғ марта афзал эди. Орқадан чап бергани нимаси? Битта гиламининг аламға шунча ёнмаса, кесатмаса?! Эркак кишининг аламғи шу? Гилам топиламас матоқ эканми?

Отабой совуқдан қунишганча келиб кучоғиға отилган қизалоғининг бошини силади:

— Манзуражон, мусуча қизим, мехрибоним, онажоним мени... Шавкат уқанг қани? Қўлчаларинг музлаб қолибди-ку?

— Шавкат ухлаб ётибди, оймн нон ёпаптитилар, — лабларини чўччайтирди тўрт ёшлардағи қизалоқ, уни отасининг иссиқ бағри элитдими, кўзлари аста юмила бошлади. Отабой қизчасининг бошини Тангридан сўради:

— Эй Худойим, шуларнинг умрини бер, ўзингдан ўзимга инсоф сўрайман, дўсту душманга хор этма... — Сўнгра ўзи суйган Махтумқули газалини хиргойи қилди: — «Фоний дунёга инонманг, Олтин-кумушга қувонманг, Кўнгилисизга кўнгилик берманг, Бир туққан зурёдча бўлмас...»

— Дадаси, чой дамладим, — айвондан хотинининг овози келди.

Отабой тиззасиға бош қўйиб ухлаб қолган Манзурани охиста диванга ётқизди-да, айвонга чикди. Бешикда Шавкат пишллаб ухлаб ётарди. Уғлининг лўппи юзидан ўпди.

— Уйғотиб юборасиз. Ўзи, кечаси билан миғжа қоқтирмади азамат. Озиқ тиши чиқяптими дейман, иссиғи тушмади.

— Қийналибсан-да, Анбар. Мен эса қотиб қолибман. Кеча жұралар билан гурунглашиб ўтираверибмиз. Кечир...

— Келмай қоласизми деб қўрққандим, ҳартугул, келдингиз-ку... — Анбар эрига кечирдим дегандак гинали ниғоғ ташлади.

Сўнгра чой қуйиб, эрига узатар экан, чиройли қулимсиради:

— Тавба, Манзура каттагина қиз бўлиб қолди-ю, ҳалиям бошини силамасангиз ухламайди-я...

Отабой мамнун жилмайди.

— Эркаланг, аммо сизсиз ухловмай одамни қийнайдисиз...

— Ўрганиб кетади, хавотирланма, ҳали бола-да... Менсизликка ҳам қўниқчиши керак.

— Нима, яна бирор оёққа отланмоқчимисиз? Ўзи, Хоразмдан кечагина келдингиз-ку?

— Йўқ, энди-да, негадир кечадан бери кўнгилим гаш, нимадир юз берадигандек беҳаловатман, одамнинг бошида ҳар нарса бор, хотин...

Анбар боядан бери хомуш ўтирган эрига норози қаради:

— Ҳамма нарса ни гап деб гапираверар экан-да, оға. Қўйинг, энди қирқдан ўтдингиз, яхши гаплардан гапиринг. Яхши ният қилинг. Сиз ҳам, мен ҳам фирт етимликда улғайганмиз. Такдир бизларни топштирди. Шуқр, ўғил-қизли бўлдиқ, ёки...

— Нима ёки? Ўзинг нимадан хавотирдасан? Бирор камчилиги борми, Анбар?

— Сиз борсиз, нима гам бор, дадаси. Фақат анови туркиндан олғур Назарға қўшилаверманг, шуни кўрсан, этим жунжиқади. Сиз билан мени топштирганини миннат билан гапиргани гапирган. Нима, энди унга бир умр қуллуқ қилишимиз

керакми, билмайман... Агар тақдир қўшмаса, сенинғ қўлингдан нима келарди, демоқчи бўламан-у, сизни ўйлаб тилимини тишлайман.

Отабой хотиниға кулимсираб қаради. Боядан бери ичиди Назардан хафа бўлиб ўтирган эди, Анбарнинг гапини эшитиб, ҳақиқатан агар у бизни рўпара қилмаганида нима бўларди, дея ўйлаб қолди. Шундай сулув, мехрибон аёлни қандай учратарди?

«Маҳаллаимизда бир бева бор, оғиз солаётганлар тиқилиб ётибди, ҳаракатингни қил, жұра», деган ўша Назар эди-ку? Ёмондан ҳам яхшилик кўрди...

Отабой йигитлик даврида Тошкент томонларға Хива гиламларини олиб келиб сотар, Назар ҳам ўз қишлоғининг катта савдоғари эди. Иттифоқо, иккала таниши билан бир-бирларидан мол сотиб оладиган бўлишди. Бора-бора муносабатлар икки қўлақлашиб, қалин жұра бўлиб кетишди. Отабойнинг ширани овози бор эди, уни яқин афроғдағи тўйларға ҳам таклиф қила бошладилар. Айниқса, Оғаҳий, Махтумқули газалларини айтса, эшитганлар сел бўларди. Отабой ота-онасидан беравқет етим қолган, янғаси ўзининг касалманд синглисини унга олиб берганди. Бир-бирига кўнгли чопмаса-да, салкам йигирма йилча фарзандсиз бирга яшашди, кейин Отабой савдоғарлик қилиш баҳонасида ундан узоқлашди. Хотини қирқ ёшида оламдан ўтди. Бу пайтда ёшгина Анбарнинг кўз очиб кўргани отдан йиқилиб ўлган, Ёдгорой кизини кайнонаси боқиб олганди...

... Ҳар гал Отабойни қучоқ очиб кутиб оладиган Назар негадир бу сафар унга тиш қайраб қолди:

— Жўра, бошқаларнинг тўйиға катта гилам қўшииб биласан. Бизни менсимабсан-да?! Майли, фақирларға кичиғи ҳам бўлаверади, — Назарнинг қўсиқ кўзлари бир муддат қисилди. — Раис бова сенға кўпроқ чўтал ташлайди-да, а? Келин олганида бундан каттасини кўтариб боргандинг?

— Ие, кечир, жұра, агар катта гиламини истасанг, кейинги гал албатта олиб келаман. Бу сафар бел бакуватт эмасди-да.

Отабойнинг уэрхоҳлиғи Назарни қониқтирмади. Зиёфатининг охириғача пичинг қилиб ўтирди. «Наҳотки, битта гилам учун шунча араэ? Унга мен эмас, ҳадяларим керакми дейман?» — Отабой ичиди ўзини койиди. — Балки кайфияти йўқдир, сенға эркаланса, эркаланибди. Ахир, жұранг бўлса. Аммо Назар «эркаланимабди», кейинги ўтиришларда ҳам Отабойни қавлаштиришдан бўшамасди.

Ораға тушган совуқчиликдан қувонган ғаламислар Назарни

гилами кўзни қамаштиради. Ичқарига кирганлар гиламға суқланиб қараб қолишади. Ўша вақтларда унча-мунча оилада гилам бўлмасди, ахир. Ўзига бадастир хонадонларгина сотиб олишарди. Айниқса, Хива гиламининг мафтунгор нақши кўзни ўйнатади. Тўйболага суюнчи беришға кирганлар «Отабой ака, бизға ҳам шунақасидан олиб келиб берасиз, насиб қилса», дейишар, у эса бу гапларни Назарнинг ҳам эшитишини истаб атрофиға аланларди.

Хонаға кирганларнинг чўғдек гиламини мақташларини эшитиб ҳам гинаси тарқалмаган Назар ўзини тўхтата олмади. Хотиниға бир нималарни баҳона қилиб олиб келтирган марғумушни Отабой ичаётган шўрғаға эди-да, нэтиқар экан, биров кўриб қолмадимиди, дея кўзи олмақасак тэради. Йўқ, унинг бу қилмишини ҳеч қим кўрмади. Базм кўни ичган шўрвасидан кўнгли айнинг бошларини Отабой эса Назарға тоби қочиб қолганини айтиб, уйиға ўйнади. Аммо икки-уч хонадон қолганда кучли оғриқ ва ўқчишдан олоқсизланиб хушидан кетди. Ичиди нимадир ўпирилиб тушгандек бўлди, тана сидағи оловнинг ҳарорати сиртиға чикди. Тўйдан қайтаётган бир тўда йигитлар ариқ четида гавдали эркакнинг узаала тушиб

ётганини кўришди. Маст-аластдир-да, дея ўтиб кетётганлар орасида қимдир Отабойни таниб қолиб бақириб юборди:

— Ие, Отабой аками? Ахир, у оғзиға ароқ олмасди-ку... Йигитлар кўплашиб уни ўрнидан турғазмоқчи бўлишди, аммо вужудида мадор қолмаган Отабой оёққа туролмади.

У шу тахлит бош кўтармай бир кечаю бир кундуз ётиб қолди. Фақат зардоб қусди. Дўхтирлар беморда ўткир заҳарланиш юз берганини, барча муолажалар қечикканини айтишди. Суюкли эрининг ёнидан жилмаган Анбар бошини чангаллаганча қолди, эри ўлими олдидан зор қақшаб йўғлаб турган ёш хотини ва икки дилбандиға жонсиз кўллари уни узатар экан, зўрға «Ан-ба-ар... Бопларим-м...» дея олди, холос. Иккинчи марта бахтсиз қолган муштилар аёл жонсиз танани кучганча додлаб юборди...

Орадан оилар, йиллар елдек ўтиб борарди. Кечагина Отабойнинг дунёсига парвона бўлиб, эшиғиға минг марта бош суқадиганларнинг таноби тортилды. Бора-бора Анбарнинг

опасидан бўлак ҳеч қим бу ҳовлиға келмай қўйди. Ҳаммадан ҳам девор-дармиён қўшнисни Ойхоннинг осонгина юз ўйиргами булганди. Эри рақмати доим хиргойи қиладиган сатрлар ёдиға тушди: «Тушиб бўлмас ғаддор фалак оллиға, Лабларинг тамшанар дунё молиға, Бир кун ўроғини олар қўлиға, Хўлми-қуруқ, ўриб-янчиб борадир».

Беозор бир одамға зиён этмакандар ҳам кун келиб, Унинг хузуриға боришади, Ҳақнинг олдиди нима деб жавоб беришар экан ўшанда? Отабойнинг кўнглида сира гирромлик бўлмаган. Йўқса, ғаламис Назарнинг қочиримлари, аччиқ кесатикларидан кейин ҳам шунчалик садақат билан хизмат қиладими? Тўй кунлари нолиниб юрган Назар уни кўролмаслигини исботлади. Отабойнинг остонасидан оёғи узилмасди, бормай қўйди. Сотиш учун берган гиламларнинг пулини ҳам гўё унутиб қўйганди. Анбар унга қўл силтади, эридан қолган гиламлар тўғрисида ҳеч қимға оғиз очмади. У ботинан Назардан ҳазар қиларди.

Анбар маҳалла-қўйдағилар, эрининг яқин дўстлари тахмин қилган гумонға боришдан ўзини зўрға тийиб юрган бўлса-да, узун туллари икки норасидасини бағриға босганча фарёд чекди: «Художон, эримнинг бошиға етганининг жазосини бер, ўз ёғиға ўзи қоврилсин...»

Орадан йиллар ўтиб, Отабой фожiasi ёддан қўтарилай деганда Назар қаттиқ касалға чалинди. У гоҳ кулиб, гоҳ йиғлайдиган одат чикарди, васвасаға тушиб, оғзиға келганини айтди. Сўнгра тўшакка михланиб қолди, аммо бақир-қачқирқадан тўхтамади. Ҳатто яқинлари у ётган уйға киришға юраги бетламас, эрининг давлатиға дам бериб юрган хотини ҳам уни парвариш қилишдан жирканарди. Шу ҳасратда уч йил азобланиб ётган Назар совуқ қиш кунларининг бирида жон берди. Энг ёмони, сўнги лаҳзада титроқ кўллари теграсида ўйнатганча «Отабой, қоч, Отабой! Сени бошқа ўлдирмайман, қоч, менға тегма...» дея бақирганини эшитганлар бир-бирларига тикилганча қарахт бўлиб қолишди.

Анбарға Назарнинг ўлими олдидан таломсираб айтган гапларини етказишди. Мудхш тахмин ҳақиқатқа нечоғли яқин бўлса-да, биров юрак ютиб бунни ошқор қилмасди. Ўшанда бутун эл йўғлаган, ёш кетган ҳофиз йигитға ачинмаган одам қолмаган. Мусофир бўлса-да, тоғлиқлар унинг тобутини қўлма-қўл қилишган, маърақаларида тик туриб беришган.

Таъзияға борган аёллар ҳамдардик билдирар экан, азадор Жамла негадир Анбарнинг кўзларига қарашға ботинолмасди. У эса ўз хаёллари билан андармон: «Дунёни кўтариб кетдингми, номард?! Уйингнинг битта устун тегдимми сенға, қаттол?! Эрим боқшиқ бир юртта бир юртға олиб келган гиламини мурдангнинг устиға ташлабдилар-ку... Унинг қўли теккан гилам сени қасос ўти бўлиб қуйдирсин! Уни заҳарлаган кўлларинг жаҳаннам гулҳан бўлсн ўтин бўлсин...» Аммо бу сўзлар оғизға кўмчади. Унинг миғжаларидан оққан ёш томчилари эрта ажин тушган оппоқ юзларини юварди...

Нигора
ЖАЛОЛИДДИН ҚИЯТИ.



ЁМОНЛИКНИНГ ЖАЗОСИ



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

ЯХЁ ПОЛВОННИНГ ГАЛАБАСИ

Чехиянинг Прага шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон кубоги мусобақасида ҳамюртимиз Яхё Имомов олтин медални қўлга киритди.


Бу нуфузли беллашувда дунёнинг 74 мамлакатидан 392 нафар спортчи етти вазн тоифасида совринли ўринлар ва шу йили Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун татамига чиқди. Олтин медаллар фақат Ўзбекистон, Чехия, Франция, Грузия, Жанубий Корея, Япония ва Исроил вакилларига насиб этди.

81 килограмм вазн тоифасидаги беллашуларда қатнашган ҳамюртимиз Яхё Имомов финалгача туркиялик Аҳмет Сари, венгриялик Шаболс Крижан, белгиялик Ёким Боттеу, мўғулистонлик Тувшинжаргал Ган, грузиялик Леван Сиклаурини мағлубиятга уратди.

Финалда яна бир грузиялик спортчи Бека Гвиниашвили билан беллашган ўзбек полвони рақиб устидан 56 сония ичида соф галабага эришди. Ҳамюртимизга жаҳон кубоги мусобақасининг олтин медали ва олимпия йўлнамаси учун рейтинг очколари берилди.

ШУБҲАЛИ ГАЛАБА

Яқинда россиялик ўта оғир вазндаги таниқли боксчи Александр Поветкин WBA йўналиши бўйича минтақавий чемпионлик камарини ҳимоя қилди.



Германиянинг Штутгарт шаҳрида Поветкин ва Марко Хук ўртасида бўлиб ўтган чемпионлик жанги ҳақида кўплаб интернет сайтларида турлича фикрлар билдириляпти. Мутахассислар фикрича, рус боксчисининг галабаси ҳаққоний эмас.

Чунки ҳакамлар чиқарган қарорга бокс мухлислари норозилик билдиришган.

«Поветкиннинг галабасини эълон қилгандан кейин залда шовқин-сурон кўтарилди, бу ер Мексика эмас, немис халқи қатъий характерли. Улар ғирромликни ёмон кўради», — деди Марко Хук.

Александр Поветкин эса ўз галабасига шубҳа йўқлигини таъкидлашдан чарнамаепти.

КАКА «ХИЗМАТ ДОИРАСИДАН ТАШҚАРИДА»

Мадриднинг «Реал» клуби ҳамда Бразилия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Кака Босния ва Герцеговина терма жамоаси билан бўладиган ўртоқлик учрашувига таклиф этиллади.

«Мен терма жамоага қақирилмаган ҳар бир футболчининг қақирилмаслик сабабини тушунириб беришга мажбур эмасман», — дейди бош мураббий Мано Менезес.

Шуни қўшимча қилиш керакки, Менезес терма жамоага Роналдиньони жалб қилган.

Бразилия — Босния учрашуви бугун Швейцарияда бўлиб ўтади.

Интернет материаллари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

БИР КАМ ДУНЁ ЭКАН

Тоҳир акамнинг яқин ўртоғи эди. Ота-онаси автоҳалокатга учраб, укаси билан етим қолиб кетганди. Энаси (бу-виси) «Ўғлимнинг чирогини ўчирмайман», деб икки норасида гўдакни бағрига олиб яшайверган. Уч амакиси уларни ёлғизлатиб қўймаган. Ўзи ҳам, укаси ҳам мактабни аъло баҳоларга тугатиб, институтнинг сиртки бўлимида ўқишди. Момоси бир дунё орзу-ҳавас билан мени неварасига сўраттирди. Келган совчига отам «Қизимни берсам Тоҳирдай ақлли, уddaбуртон йигитга бераман-да», деб шартта рози бўлган. Онам «Қизи борнинг нози бор-ку, бу нима қилганингиз?», деб йиғлаб қолаверди. Тўйимиз рисоладагидек бўлди. Кейин ўғлимиз туғилди. Биз жуда бахтли яшайверган. Минг афсуски, қувончимиз узокқа чўзилмади. Кутилмаганда эрим оғир дардга чалиниб, дунёдан ўтди.

Вақт инсоннинг дардига малҳам бўлар экан. Ўғлим ҳозир биринчи синфда ўқийди. Тошкент шаҳрида нуфузли ташкилотда хизмат қилиш баробарида кўл меҳнатим, яратган ишларим билан қатор танловларда совринли ўринларни олдим. Ҳали олдинда эзгу ният, режаларим кўп. **Ёшим 39 да.** Маълумотим олий. Асли сирдарёликман. Пойтахтда муқим яшайтган, 45 ёшгача бўлган, меҳр-оқибатли, ор-номусли, оилани муқаддас билувчи, иши тайин, уй-жойли эркак учраса, турмушга чиқмоқчиман.

**МУНИСА,
Тошкент шаҳри.**

ОТАМ АРО ЙЎЛДА ЁЛФИЗ...

Онамдан айрилган кунлари биров келиб, «Отанг энди қайта уйланади», деса, юрагимга оғир олган бўлардим. Мана, бугун эса умид билан сизларга хат ёзаяпман. Ҳаёт экан-да, ҳар сафар отамни кўргани борсам, у кишининг ёлғизлини қолганини ҳис этаман. Келини, неваралари атрофида парвона бўлиб иссиқ-совуғидан бохабар-у, аммо аёлнинг ўрни бўлакча экан-да.

Онам раҳматли отамнинг сўзини икки қилмайдиган, оилапарвар аёл эди. 51 ёшида вирусли гепатитнинг оғир турига чалиниб, оламдан ўтди. Отам бечора гоҳ «Онанг билан ўттиз йил умр

кечирдик. Биз, назаримда, бир-биримиз учун яшадик», дейди. Ҳеч ким аро йўлда ёлғиз қолмасин экан. Яқинда отам шомлаб ётиб қолди. Хабар олгани борсам, «Келин куюк овқат қилган экан, иштахам тортмасам ҳам едим. Суюк овқат ичгим келаяпти», деди. Бу гапни эшитиб, бор дунё қоронғу бўлиб кетди. Ахир, келинига бир оғиз айтса, пишириб беради-ку! Эҳ, отажоним-а, бир оғиз айтишга ийманибди-я.



Бахтли бўлинг!

Бу хатни ўзлари, ака-укаларим билан маслаҳатлашиб ёзаяпман. Отамнинг исми Курбонбой. **Ёши 57 да.** Маълумоти олий. Яхшигина жойда ишлайди. Беш фарзанднинг ҳаммаси уйли-жойли, бола-чақали. Отамнинг ёшига мос, қадрига етадиган, меҳрибон, оққўнғил, ёлғиз ёки фарзандлари ташвишидан қутулган аёл бўлса, уйлантирмоқчимиз.

**НУРЖОН,
Хоразм вилояти.**

ҚИЗИМ УЧТА БЎЛДИ

Чап оёғим туғма ногирон. Болалигимдан ўзимни четта тортардим. Биров камчилигимни юзимга солмаса, деган ҳадик қийнардим. Бир кун узоқ қариндошларимиз меҳмонга келишди. Уларнинг мен тенги ўғил-қизлари ҳам

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

**ГУЛНОРА,
Бухоро вилояти.**

Табиат — дорихона



МАВРАК

Пушти, оқ, бинафша рангда гуллайдиган маврак (шалфей) ўсимлигининг барги, тўпгуллари ниҳоятда шифобахш. Халқ табобатида маврак дамламасидан подагра, полиартрит, грипп, тиш оғриги, бронхит, цистит, гепатит ва меъда яра касалликларида фойдаланилади.

Подагра, полиартритда: 200 г майдаланган маврак барги устига 5 литр қайноқ сув куйиб, 2 соат давомида дамланади. Сўнг сузгичдан ўтказиб, ваннага куйилади. Сув ҳарорати секин-аста 26°C гача пасайтирилиб, 10-20 дақиқа ванна қилинади.

Гриппда: бир ош қошиқ маврак барги устига бир стакан қайноқ сув куйиб, 5 дақиқа давомида сув ҳаммомида ушлаб турилади. Сўнг устига икки ош қошиқ коньяк куй-

илиб, илиқ ҳолида ичилади.

Ёки 5 г маврак барги устига 0,5 литр оқ вино куйиб, уч дақиқа қайна-тилади. Совигач, ҳар соатда чорак стакандан ичилади. Даволаниш муддати уч кун.

Ёки 100 г маврак баргини 100 г суюқроқ (эритилган) асал билан яхшилаб аралаштириб, кунга уч маҳал овқатдан олдин бир чой қошиқдан истеъмол қилинади. Устидан илиқ минерал суви ичилади.

Тиш оғриғида: бир ош қошиқ маврак ўти устига бир стакан қайноқ сув куйиб, бир соат давомида дамланади. Тайёр дамлама билан оғиз чайилади. Тиш қавак бўлиса, дамламага ботирилган пахта куйилади. Бу муложа эмизикли аёлларга мумкин эмас, сутини қамайитиб юбориши мумкин.

**Мухайё АБДУЖАББОРОВА,
доришунос.**

Уй бекаларига

Олма, беҳи, лимон ва апельсин каби меваларни дастурхонга қўйишдан олдин қайноқ сув билан чайиб юборсангиз, тоза ва хушбўй ҳиди таралиб туради.

Сут қайнаганда қуймаслиги учун олдин идишни совуқ сув билан чайқаб ташланг.

Сутга (бир литрга чой қошиқ) шакар солиб қайнатиб, очик ҳолда совутиб олиб қўйилса, уч кунгача ачмайди.

Сут пиширилаётган идишнинг четига мой суртиб қўйсангиз, қайнаганда тошмайди.

Тўғралган гўштни пиёзга аралаштириб, сопол идишга солиб қўйсангиз, 2-3 кунгача бузилмайди.

Гўштва туз солиб қовурсангиз, сели яхши чиқади.

**Серка КАТТАЕВ
тайёрлади.**

ЙИГИТЛАР ҚЎЛИДА ҚИЗЛАР СУМКАСИ Нима дейсиз?

Хиёбон. Тонг сахар. Баланд-балад дарахлар орасидаги ажиб сукунатни кушлар чуғур-чуғури ва узокдан эшитилаётган машиналар шовқини бузарди, холос. Бу одатий "тонгги хиёбон симфонияси"нинг бир хил ноталарига дабдурустан ёқимли кулгу куйлари қўшилди. Ҳали истироҳат боғи ишчилари ҳам келмаган бир пайтда йигит ва қиз қўл ушлашганча қўл бўйидаги узун йўлак бўйлаб борарди. Ошиқнинг кучга тўла, бақувват билагига осилган қип-қизил аёллар сумкачасида қўшнинг илк нурлари ялтиради...

Охири пайтлари нима урфда-ю, нима урфдан қолганини ҳам билолмайсан киши. Шу боис одамлар унча-мунча нарсага эътибор қилмайдиган бўлиб кетишди. Қизларнинг нозик билаклари учун ишланган нафис сумкачалар йигитларимиз қўлини "беаётгани"га сизнинг ҳам кўзингиз тушгандир, балки? Ўзи, нима гап, янги мода шунақами? Ёки севгисини исбот қилишнинг замонавий усулими бу? Эҳтимол, астойдил меҳрибончиликдандир?

Бугун кўча-қўйда етаклашиб юрган ошқ-маъшуқларни кузатсангиз, аксарият ҳолда қизнинг сумкачасини йигит

кўтариб олган бўлади (қочиб кетмасин дейдими). Наҳот, ўктам паҳлавонларимиз муҳаббат учун ҳамма нарсага қодирлигини шу йўл билан кўрсатишни ўзларига эп билса? Қизлар турмуш ўрток танлашда кўпинча ўзини ҳар томонлама ҳимоя қиладиган, қаноти ос-



тига оладиган, суянса суянгудек алплари орзулайди. Эс-хушли, дид-фаросатли қиз ёнидаги йигитнинг билагига аёллар сумкачасини осиб юришини ҳазм этолмас керак. Эҳтимол, ўғлонларнинг эркак зотига ярашмайдиган бу ишни қрилишига айрим опа-сингилларимиз

оиланинг ола хуржунини ўз нозик елкасига олгани ҳам бир сабабмикин? Ахир, қочиб қаёққа борардик, олманинг тагига олма тушади-да! Лекин тарихга назар солсак, бу ҳолатнинг аксини кўра-миз.

Халқимизнинг минг йиллик орзу-умидлари мужассамлашган Алпомиш наҳотки бугунги ака-укаларимизга ўртак бўломаска?! У севгилсига етишиш учун олти ой чўла биёбон кезади, тўқсон алпни курашда енгади, ёй тортиб минг қадамдан танга пулни уради. Барчинини ҳам бизга ҳар томонлама ибрат бўла олади. "Бойсун элидан Алпомиш келса, келибди-да, индамай этагини тутиб кетавераманми? Мен гапимни айтганман: уч синозда голиб чиққанга тегаман!" дея қарори қатъийлигини таъкидлайди. Демак, қайсики замонда йигитларнинг мард, ботир бўлиш-бўлмаслиги ўша даврнинг қизларига ҳам боғлиқ экан. Шу пайтгача ўзбек қизлари бошқалардан фарқли ўлароқ оқ от минган шахзодани эмас, Алпомиш сиймосидаги алпни, Фарҳоддек мардни ва Шохжондек вафодорни орзу қилган. Афсуски, бугун бу меъёр ҳам ўзгариб бормоқда...

Наргиза БОБОЖОНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.



ФАРОЙИБ ВАСИЯТЛАР

Энг катта миқдордаги васият-нома машҳур муҳандис Генри Фордга тегишли. У 500 миллион долларни 4157 та таълим дар-бўлиб бе-васият қолдирган.

Энг узун нома Қўшма асосчиси Томас Жефферсон томонидан тузилган. Унда Жеф-



ферсон авлодлари мерос мулкига эгалик қилиш учун ўз қулларини озод этиш мажбуриятини олишлари шарт бўлган.

Энг қисқа васиятнома Лондон банкларидан бирининг бошқарувчиси томонидан қолдирилган. Унда фақат уч сўз ёзилган эди: "Мен бутунлай банкротман".

АНИҚ ВАҚТГА ҚАДАР

Бугунги кунда радио ва телевидение орқали аниқ вақтни эшитиб, соатларимизни шунга созлаб оламиз. Шунингдек, соат неча бўлганини қўл телефони орқали ҳам бир зумда бил-



са бўлади. Қадимда-чи?

Бир вақтлар Грецияда, Афина шаҳрининг марказий хиёбонидида улкан куёш соатлари бўлган. Чопарлар шу соатларга қарашганда, шаҳар мавзелирига югуриб, арзиманган қақлар эвазига соат неча бўлганини айтиб юришган. Табиийки, манзилига етгунча фурсат ҳам вақт аниқлигини биров чалғитган. Аммо улар йўлдаги дақиқаларни тахминан ҳисоблаб, вақтни аниқ айтишга ҳаракат қилишган.

Ўрта асрларда кўнғироғи жарангайдиган минорали соатлар куришган. Биласиз, бундай соатлар ҳозир ҳам учрайди.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

Миннатдорлик

СОҒЛИК — БОЙЛИК ЭКАН!

Сихат-саломатликнинг нақадар улғу бойлик эканини бошинг ёстиққа теканида биласан, деганлари рост. Яқинда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт эндокринология марказининг нейроэндокринология илмий бўлимида даволаниб чиқдим. Тиббиётчиларга ҳам Яратган томонидан сирли куч-қувват ато этилган десам ишон-веринг. Бўлмаса, улар ўлим ёқасидан қанчадан қанча инсонларни олиб қолишармиди.

Менинг бутунлай соғайиб, қадрдон оилам, бир-биридан меҳрибон ва оқибатли фарзандларим бағрига қайтишимда, тиббиёт фанлари доктори, нейрохирург Равшан Файзуллаевнинг ёрдами катта бўлди. Илоё, қўли дард кўрмасин! Касалхонага қадам қўйганимга қадар ниҳоятда тушкун кайфиятда, оғир аҳволда эдим. Айтишларича, анча мураккаб операция амалиёти ўтказилибди. Менга руҳий куч бағишлашда шу бўлимдаги барча шифокор ва ҳамширалар баб-баравар жон куйдиришди. Айниқса, бўлим раҳбари Замира Ҳалимова, илмий ходимлар Гулрух Алимухамедова, Мунира Каримова, Хуршида Носированинг беминнат хизматидан бахраманд бўлдим. Барчаларига севимли газетамиз орқали самимий миннатдорлигимни изҳор этаётганимдан хурсандман.

Матлуба НУРМУҲАМЕДОВА,
Тошкент шаҳри
Тузел мавзеси.

СУГУРТА БЕКОР ҚИЛИНМАЙДИ

Отамдан мерос қолган машина яқинда автоҳалокатга учради. Лекин ҳали қайта сугурта қилишга улгурмаган эдим. Энди нима қилсам бўлади?

А. Олимов,
Чирчиқ шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 946-моддасига мувофиқ, мол-мулк сугурта шартномасини тузган сугурталовчи вафот этса, сугурта қилувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мерос олувчига ўтади. Мулк ҳуқуқи ўтишининг бошқа ҳолатларида сугурта қилувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар шартномада ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, сугурталовчининг розилиги билан янги мулкдорга ўтади.

МАЖБУРИЯТ ВОРИСГА ЎТАДИ

Ўз вақтида амалга ошмай қолган ҳада шартномаси тартиби қандай?

А. Азимов,
Куйи Чирчиқ тумани.

Фуқаролик кодексининг 510-моддасига биноан, агар ҳада шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, ҳада яни васият қилган шахснинг мажбуриятлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворис) ўтади.


Саволларга Янгийўл туман 6-сонли ДНИ нотариуси Кумри ТАШАНОВА ва Ўрта Чирчиқ ДНИ нотариуси Машхура ҲОШИМОВА жавоб берди.

МАЖБУРИЙ НИКОҲ ТУЗИЛСА...

Никоҳ сохта ёки мажбурий тузилган бўлса, қандай ҳал этиш мумкин?

Л. Қосимова.

Оила кодексининг 53- ва 54-моддаларига кўра, мажбуран тузилган никоҳ жабрланувчи ёки прокурорнинг аризаси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Эр-хотин никоҳни сохта қайд эттириб, аслида, оила қурмаган бўлишса ҳам, шундай чора қўрилади. Мақсадсиз турмуш



қурилган ҳолларда эса бундай талаб эр (хотин) томонидан ҳам қўйилиши мумкин.

ШАРТ ЭМАС!

Никоҳдан ўтишда эрнинг фамилия-сига ўтиш шартми?

М. Қодирова.

Нафақат эрнинг, балки ўзаро келишилган ҳолда хотиннинг фамилиясини ҳам ягона фамилия сифатида олиш мумкин. Оила кодексининг 20-моддасига биноан, ҳар иккала тараф ҳам ўзларининг оталик (ёки оналик) фамилиясида қолиши ихтиёрий тартибда амалга оширилади. Ҳеч кимнинг мажбурий равишда фамилияга ўтказилиши мумкин эмас.

Саволларга Оҳангон туман 1-сонли ҳамда Бекобод шаҳар ФХДЭ бўлими инспекторлари Севара ДЕҲҚОНОВА ва Малика ШАРИПОВА жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 15:00. Босишга топширилди - 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусахҳиллар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 228. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 11226. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46